# «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди»

***Суҳбатдошимиз Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлимининг бошлиғи Ҳотам Луқмонов.***

— Давлат хазинасининг асосини ташкил қилувчи солиқ тизими тобора такомиллашиб, жамият, аҳоли манфаатларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган фармонлар, қарорлар қабул қилинмоқда. Бюджетга тушадиган маблағларнинг ортиши иқтисодиётни мустаҳкамлаш, ижтимоий тадбирларни кенг кўламда амалга ошириш имконини бераётир. Биргина бизнинг вилоятимизда шу йилнинг ўтган биринчи чорагида давлат бюджетига 5 миллиард 753 миллион 49.1 минг сўм маблағ туширишга эришилди.

**— Бу қувончли албатта. Бироқ қайси ташкилот ёки корхона ҳисоботини текшириш далолатномаларини кўздан кечирмайлик дилларни ғаш қиладиган нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, даромадларни яшириш, солиқларни камайтириш ҳолларига дуч келамиз. Бу ниманинг аломати?**

— Саволингиз асосан эътирозлардан иборат бўлди ва улар жуда ўринли. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ҳали солиқ тизимининг ривожланган мамлакатлардагидек такомиллашишига бир оз фурсат керак. Худо ҳоҳласа солиқлардан тушадиган маблағлар энг савоб ишларга сарфланишини дилдан англайдиган, аксинча биринчи галда бу соҳадаги қарзларни узишга ҳаракат қиладиган кунлар келади. Ҳозирча камчилик, хато, ҳатто жиноятларга йўл қўйилаётганлиги сир эмас.

Биз қуйи ташкилотлардаги ҳамкасбларимиз билан бирга шу йилнинг биринчи чорагида 910 корхонада солиқ қонунчилигининг йўлга қўйилиши билан танишдик. Роппа-роса 541 ташкилотда қонунларга риоя этилмаганлиги маълум бўлди. Қарши туманидаги махсус қурилиш бошқармасида фойда ва қўшимча қиймат солиқларидан 529.1 минг сўм қўшимча, 391.7 минг сўм молиявий жарима ҳисобланди. Вилоят бўйича қўшимча солиқ 39669.9 минг сўмни, яширилган даромад 1675.7 сўмни ташкил этади. Улар молиявий жарималар билан 99369 минг сўм миқдорида ундирилади. Бу шундай ҳам оғир аҳволда бўлган ташкилотларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

**— Бундан фақат корхона зарар кўрадими ёки ана шу хатоларга йўл қўйган раҳбарларга ҳам жазо кўриладими?**

— Албатта айбдорлар ҳам жазодан қутилиб қолмайдилар. Ўтган уч ой мабойнида 822 мансабдор шахслар 2357.8 минг сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилдилар.

**— Нуқул зарар, бир томонда давлат хазинасига, иккинчи томонда оила бюджетига путур етаяпти. Шу ўринда шундай ҳақли савол туғилади. Хўжалик раҳбарлари бунга кўра-била туриб йўл қўядиларми ёхуд қонун-қоидаларни билмайдиларми?**

— Хато ва камчиликлар турли ҳолатда рўй бериши мумкин. Аввало ўта бепарволик, масъулиятсизлик бунга сабаб бўлаяпти. Оддийгина бир мисол: бошлиқлар ва бош ҳисобчилар ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботлар қаерга, қачон топширилиши лозимлигини беш қўлдек биладилар. Лекин уларни атайлаб кечиктирадилар-у, лак-лак жарима тўлайдилар. Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ Қарши шаҳридаги «Асос», «Қўнғиртов», Ғузор туманидаги «Нормамат» фирмалари, Шаҳрисабз туманидаги «Меъмор» кичик корхонаси, Қарши шаҳридаги 130-механизациялашган кўчма жамлама каби ўнлаб ташкилотлар ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этмаганликлари боис 10 фоизли жаримага тортилдилар.

Замон талаби билан янги-янги қонунлар қабул қилинаяпти, йўриқномаларга ўзгаришлар киритилмоқда. Булар Республика матбуотида, махсус касбий журнал ва газеталар саҳифаларида ўз вақтида ёритиб турилибди. Аксарият раҳбарлар, айниқса бош ҳисобчилар ана шу янгилик берилган имтиёзлардан бехабарлар. Биз ҳар бир ўзгариш бўйича жойларда турли амалий кенгаш ва маслаҳатлар ўтказамиз. Айрим раҳбарлар ҳатто ана шу йиғилишларга келишни ҳам лозим топмайдилар. Оқибатда бу билимсизлик ва лоқайдлик корхонага ҳам, ўша ташкилот раҳбари ҳамда бош ҳисобчисига ҳам қимматга тушади.

Яна бир очиқ ҳақиқат бор. Ҳалқимиз айтганидек, «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди». Биз назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг режа-жадвалига асосан ҳар чорак якуни бўйича Республика Вазирлар Маҳкамасининг 362 ва 427 сонли қарорларига асосан банк муассасаларида солиқ қонунчилигига риоя этилишига доир текширувлар ўтказамиз. Республикамиз, вилоятимиз иқтисодиёти ривожига солиқ ва тушимларнинг ўз вақтида ундирилишига молиявий интизомнинг тўғри ташкил этилишига биз билан жавобгар ҳисобланган банк муассасаларида бу борадаги қонун-қоидалар бузилаётганлигига сира тоқат қилиб бўлмайди. Биринчи чоракда солиқ тўловчи 16 банк муассаси текширилганда 48.3 минг сўм қўшимча солиқ, 110.6 минг сўм камайтирилган даромад аниқланиб, молиявий жарималар билан давлат бюджетига ундириш учун 367.4 минг сўм ҳисобланди. Бундан ташқари, солиқ идоралари томонидан қўйилган тўлов талабномаларининг ундирилиш муддати кечиктирилганлиги учун 7 банк бўлимига 513.2 минг сўм қўшимча жарима чораси қўлланилди. Бу хато ва камчиликларга йўл қўйган 17 раҳбар ва бош ҳисобчилар 53.5 минг сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилдилар.

**— Республика солиқ қўмитасининг буйруғига асосан чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарни солиққа тортиш сектори ташкил этилганлигидан хабаримиз бор. Ана шу соҳадаги аҳвол қандай?**

— Вилоятда 42 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Афсуски, уларнинг 24 таси фаолият кўрсатмаяпти. Улар Америка, Покистон, Афғонистон, Туркия, Индонезия, Хитой, Британия ҳамда ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорликда ташкил этилган. Сектор ходимлари улар фаолиятини ҳар чорак якуни бўйича таҳлил қилиб бормоқдалар. Учрайдиган айрим салбий камчиликларга нисбатан тегишли тартибда чора қўлланилиб, айбдорлар жазоланаётир. Қарши шаҳридаги «Ҳамкор-Феврикс» Ўзбекистон — Покистон қўшма корхонасининг 1997 йилги молиявий фаолияти кўздан кечирилганда даромад солиғи кечиктириб тўланганлиги маълум бўлди ва мансабдор шахслар тегишли маъмурий жаримага тортилди.

**— Солиқ ташкилотларини қийнайдиган асосий муаммолар нималардан иборат, деб ҳисоблайсиз?**

— Улар бир талай ва мен фақат икки муҳим муаммони қайд этишни истардим. Булардан биринчиси корхонанинг бюджет олдидаги боқиманда қарзларининг кўпайиб бораётганлигидир. Айни вақтда вилоятда у 8074.1 млн. сўмга етди. Дебитор қарзларнинг ўзаро ҳисоб-китоблар (протоколлар) бўйича, векселлар орқали ёпилиши бюджетга маблағ тушишини оғирлаштирмоқда. Иккинчиси, кадрлар муаммоси. Вилоятда 14271 ҳуқуқий шахс рўйхатга олинган. Ҳар бир бўлим мутахассисига 103 корхона, ташкилот тўғри келади. Улар сони йил сайин ошиб боришига қарамасдан, бўлимда мутахассислар сони қисқариб бормоқда. Устига-устак уларнинг кўпчилиги жойлардаги маҳаллий ҳокимият, прокуратура, ички ишлар бўлимлари ва бошқа назорат органлари топшириқларидан бўшамайдилар. Бу текширишлар самарадорлигига, сифатига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Суҳбатдош:
**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,**
Қарши шаҳри.

## Биздан сўрадингиз...

**Саволларга республика касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат ҳуқуқлари бош инспектори, юридик бўлим мудири Ҳамидулло ПРИМҚУЛОВ жавоб беради.**

***Мени ишдаги камчиликларим учун ишдан бўшатишган эди. Бошқа жойга ишга кираётганимда бунинг таъсири бўладими, йўқми? Бўлса, у нималардан иборат бўлади?***

**К.ЭШМУРОТОВ.**

Амалдаги Меҳнат Кодексининг 81-моддасига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш (ишдан бўшатиш) асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди. Бундан кўриниб турибдики, Сиз бошқа ишга жойлашишингизда аввалги ишингиздан қандай бўшаганингиз кейинчалик ҳеч бир таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

***

***Мен ўзимга тегишли иш ҳақини турмуш ўртоғимдан тилхат ёзиб бериб юборишларини сўрасам, ишхонамдан рад қилишибди. Тегишли идорадан тасдиқланган «Ишонч қоғози» сўрашибди. Шу тўғрими?***

**Р.ЖАЛИЛОВА.**

Ҳа, талаб тўғри. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 137-моддасида кўрсатилишича хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва буюмларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган тиббий муассасанинг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкинлиги кўрсатилган.

***

***Бир ҳафта даволаниш учун иш ўрнимга бир танишимни ишлаб туришини сўраб мурожаат қилсам, қонун бунга йўл қўймайди, дейишди. Бизнинг ишимиз оддий фаррошлик. Менга тўғри муносабатда бўлишдими?***

**Ҳ.АЛЛАМУРОДОВА.**

Ҳа. Сабаби сизни танишингиз корхона иш берувчиси билан меҳнат муносабатида эмас. Меҳнат муносабатларини, яъни меҳнат шартномаси мавжудлигининг боиси шундаки, меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ бир қатор юридик оқибатлар келиб чиқади. Масалан: Меҳнат Кодексининг 180-моддасига биноан ишдаги ютуқлар учун ходим рағбатлантирилиши ёки аксинча шу кодекснинг 181-моддасига биноан ходим интизомий жазога тортилиши мумкин. Яна бир мисол, агар ходим саломатлигига меҳнат вазифасини бажариш жараёнида бирон бир зарар етказилса иш берувчига бу зарарни тўлаш мажбурияти 189-моддада кўрсатиб ўтилган.

Сизнинг танишингиз шу корхонанинг ходими бўлмагани туфайли юқоридаги каби оқибатлар қўлланилмайди, шу боис ҳам сизга айтилган жавоб тўғридир.

***

***Жами 23 йил педагогик стажим бор. Лекин нафақага асосий иш жойим ҳисобланган туман капитал қурилиш бошқармасидан чиқдим. Ўқитувчиларга бериладиган 50 фоизли коммунал имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлиманми, йўқми?***

**Турсунбой АБДУКАРИМОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1980 йил 13 ноябрдаги «Барча турдаги мактаб ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақларини ошириш» ҳақидаги Фармонининг 3-бандига биноан 10 йилдан кам бўлмаган педагогик стажга эга бўлган нафақадорлар, улар қайси корхона, муассаса, ташкилотдан нафақага чиққан бўлишларидан қатъий назар агар улар қишлоқ жойларида ва шаҳар кўринишидаги қишлоқларда яшасалар, квартира ва коммунал хизмат ҳақини тўлашдан батамом, шаҳарда яшасалар эса шу тўловлардан 50 фоизга озод этилганлар.

***

***Ҳар бир ўқитувчига 50 фоизлик коммунал имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Лекин 4 ўқитувчи ота-она, келин, ўғил бирга яшашса, унда фақат биттаси бу имтиёздан фойдаланадими?***

**Ж.ШАРИПОВ.**

Битта хонадонда яшовчилардан неча киши педагог бўлишидан қатъий назар шу турар жой учун квартира ва коммунал хизмат ҳақига 50 фоиз имтиёз берилади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактаб ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақларини ошириш» ҳақидаги фармони ҳар бир педагогга эмас, балки ҳар бир квартира ҳақига 50 фоизли имтиёз беришни назарда тутади.

# ЛОЙИҚ ЖАЗОНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

Кутилмаганда, тутзор ичини қазиш пайтида қопга солинган аёл жасади топилди. Жасад чала чириган, куйган, томоғи ип билан боғланган эди.

Бу мудҳиш воқеа Жиззах туманининг У. Ҳотамов номли жамоа хўжалиги ҳудудида рўй берди. Жасад топилган жойга тезда вилоят прокуратураси ва ИИБ ходимлари етиб келишди ҳамда ушбу иш юзасидан зудлик билан жиноий иш қўзғатилди. Афсуски, узоқ вақт давомида марҳумнинг шахси ва қотилларини аниқлаш имкони бўлмагач, жиноий иш маълум муддатга тўхтатиб қўйилди.

1997 йил январь ойида Жиззах туман прокуратураси томонидан бу иш қайта қўзғатилиб, терговчи Турсунов ихтиёрига топширилди. Тинимсиз олиб борилган изланишлар натижасида, ниҳоят марҳуманинг шахси аниқланди. У Жиззах шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалласида яшаб келган бева аёл Ҳ. Қосимованинг жасади бўлиб чиқди.

1996 йил 26 сентябрь куни Қосимова опасиникига меҳмонга келади. Ҳар қалай жигари-да, опасини, жиянларини соғинади чоғи. Опаси синглисини кўриб ҳайратга тушди. Юрагидаги ғазаб ва нафрат уни бироз гангитиб қўйганди. Бироқ тезда ўзини қўлга олиб, юзидаги сунъий табассум билан ичидаги қабиҳ ниятларини яширган ҳолда, синглисини қучоқ очиб кутиб олди. Бундан бир неча йил илгари уй-жой талашишдан каттагина жанжал- келишмовчиликлар келиб чиққанди. Шу-шу улар «юз-кўрмас» бўлиб кетишган.

Опанинг юрагидаги нафратини жигарлик ришталари ҳам кетказа олмади. Синглисига ёлғон-яшиқ опалик муносабатларини кўрсатар экан, кўнглидан битта хаёл кетмас эди. Уни ўлдириш... Ўз синглисининг қонини ичиш нияти турарди. Шу нарсаларни хаёлидан ўтказар экан, ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш режасини тузди.

Синглиси овқатланиб бўлгач ўзини нохуш сеза бошлайди ва тезда уйига қайтиш истагини билдиради. Опа ғамхўрлик ниқоби остида ўғли билан уни уйигача кузатиб қўйишини айтади. Шу пайт секингина синглисининг олдида турган косага нигоҳ солди. Қараса овқат охиригача ичилган. Опа бўлса ичида ўз-ўзича-«ҳаммасини ичиб бўлди, тайёр, мана энди ўласан»-дейди. Сабаби опа синглисининг овқатига заҳарли дори қўшиб берган эди-да.

Опаси ва жияни кўмаги билан зўрба-зўр уйига етиб келган сингил беихтиёр ўзини тўшакка отди. Унинг ҳимоясиз ва беҳушлигидан фойдаланган опаси ғамхўрлик кўрсатаётган бўлиб, уни турғазиб қайтадан машинага солиб, ўз ҳовлисига олиб келишади. Ана шу жойда опа бор ғазабини кўзлари қон тўла нафратини намойиш этди. Синглисини ўғлининг кўмагида ўз қўли билан буғиб ўлдирди. Шу алфозда кенжа ўғли ҳам уйғониб чиқди ва ҳовлиқиб жасадга айланган холасини қопга жойлаётган опаси ва акасига ёрдамлашиб юборди.

Она-бола қотиллар жасаддан тезроқ қутилиш мақсадида қопни аравачага жойлаб, шаҳар чеккасига йўл олишади. Темир йўлдан ўтгач, тутзорга кириб мурдага бензин сепиб ёқиб юборишади. Ёнғин кучайиб кетса тим қоронғу жойда ўзга кутилмаганда пайдо бўлган кимсаларнинг эътиборини тортишидан чўчиб, чала куйган мурдага тупроқ сепиб шу ернинг ўзида кўмиб ташлашади.

О, бу шум тақдир. Бир бева аёлнинг бошига ҳам шунча кулфат, ёғдирдингми?! Жигарим деб излаб борган жигарларининг қўли билан унга шунчалик вахшийлик қилдингми?! Унинг чирқираган руҳида не-не дард ҳасратлари қолиб кетди экан.

Қонун қотилларга қилмишларига яраша жазо тайинлади. Лекин бу жиноятни жиноят деб бўлармикин? Чунки жиноятга биз турмушимизда тез-тез содир қилиниб турадиган, адашган кишиларнинг хато ва камчиликлари сифатида қарашга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, бу жиноятдан ҳам оғирроқ жиноят бўлса керак. Инсоний тушунчалар доирасига сиғдириб бўлмайдиган ёвузлик бўлса керак. Инсоният, инсон деган номга иснод шу бўлса керак. Ахир гўзаллик тимсоли бўлган аёлга, бу аёлнинг қилмишларидан ҳам оғирроқ иснод борми?

Унга лойиқ жазонинг ўзи борми?

**Маҳмуд ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тергов Бош бошқармасининг ташкилий-услубий бўлими прокурори.**
**ДИЛОРОМ,**
**«Ишонч» мухбири.**






***Сайхунобод туман ички ишлар бўлими катта сержанти Минаимбек Салибоев қишлоқ хўжалик экинларини, жумладан ғаллани пайхон қилинишидан сақлашда ўз хизмат вазифасини ҳалоллик билан ўтамоқда.***

**Суратда: катта сержант М.Салибоев далада.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

*«Сиз қонунни биласизми?»*

# НУРОБОДЛИКЛАР ҒОЛИБ

Тошкент Давлат университети маданият саройида мактабларнинг юқори синфлари ва лицейлар ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» Мавзусида республика танлови иштирокчиларининг финал учрашуви бўлди. Танловни республика ёшларининг «Қамолот» ёшлар жамғармаси Ўзбекистон Олий Суди, Адлия, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда ташкил этди.

Танлов бир неча босқичда ўтди. Тошкентдаги финал учрашувда Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий танловларда ғолиб чиққан командалари иштирок этди. Болалар республикамиз қонунларини, Президентимиз Фармонлари ҳамда ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қарорларини яхши билишларини намойиш этиб, бу борада ўзаро беллашдилар. Мамлакат Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларни билишга алоҳида эътибор берилди. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги 10-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари қонунларни жуда яхши билишларини намойиш этдилар. Ҳакамлар қарори билан уларнинг командаси республика танлови ғолиби, деб эълон қилинди.

**А.ИВАНОВА,**
ЎзА мухбири.

*Ҳуқуқшунос малакаси ошсин...*

# ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАНДА...

**(Боши 1998 йил 28 апрель сонида)**

Маълумки, кўпчилик ҳолларда ҳодиса содир бўлганлиги ҳақидаги хабар милицияга тушади. Лекин терговчи бевосита арз қилган шахс билан суҳбатлашган пайтда айрим тавсияларга риоя қилиши лозим. Хусусан, содир бўлган ҳодиса юзасидан имкон борича тўлиқроқ маълумот олишга ҳаракат қилиш керак. Ҳодиса жойида қандай изларнинг, буюмларнинг мавжудлиги, у ерга қандай қилиб тез ва қулай йўл билан бориш мумкинлиги масалаларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳодиса жойини қўриқлаб туриш тўғрисида шунчаки топшириқ бериш билан кифояланмасдан, қандай йўллар билан қўриқлаб туришни тушунтириш, қандай усуллар билан қўриқланганда у ердаги изларга, буюмларга путур етмаслигини тушунтириш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойга бораётган терговчини руҳий ҳолати катта аҳамиятга эга. Агар терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга киришар экан, у ердан бирон-бир аҳамиятга эга бўлган нарса топаолмаслигини ўзига сингдирса, шу сабабдан кўздан кечиришни юзаки, шунчаки ўтказишни кўзлаган бўлса, бу тергов ҳаракати яъни кўздан кечириш ҳеч қачон яхши, сифатли бўлмай, вақтни беҳуда кетказишдан иборат бўлиб қолади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этаётган прокуратура ва ички ишлар идораларининг мансабдор шахслари терговчини шошилтирмасликлари, кўздан кечириш ҳаракатларини тезроқ тугатилишини талаб қилмасликлари лозим.

***Терговчи ҳодиса содир бўлган жойга етиб келгандан кейин:***

- аввало жиноят асоратлари бартараф қилинган ёки қилинмаганлигини, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатилган-кўрсатилмаганлигини аниқлаб, бу ишлар амалга оширилмаган бўлса, уни ташкиллаштириш чораларини кўради;
- ҳодиса жойидан бегона шахсларни четлаштириш, ҳодиса жойини қўриқлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини текширади, лозим топилган ҳолда бегоналарни у ердан четлаштириб, жойни қўриқлаш чорасини кўради;
- содир бўлган ҳодиса тўғрисида дастлабки маълумотларни олади, жиноят оқибатида мазкур жойни, вазиятнинг ҳолатига шахсан жиноятчини ўзи ёки бошқа шахсларни ҳаракатлари натижасида қандай ўзгаришлар киритилганлигини аниқлайди, бунга алоқадор шахсларни терговчини ўзи ёки милиция ходимлари орқали аниқлайди;
- жиноятчини қидириш, атроф муҳитда қидирув ўтказиш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида милиция ходимларига тегишли топшириқ ва кўрсатмалар беради;
- агар холислар таклиф қилинмаган бўлса, улардан таклиф этади;
- холисларга ҳамда кўздан кечиришни бошқа иштирокчиларига уларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради;
- ҳодиса жойини кўздан кечириш чегарасини, олдинма-кетинлигини белгилаш, криминалистик техника ва илмий-техник воситалардан фойдаланиш, қўшимча мутахассисларни, ёрдамчиларни жалб қилиш масалаларини аниқлайди;
- агар ҳодиса содир бўлган жойда криминалист-мутахассис ёки фотосуратчи бўлса, унга шу жойини фотосуратга олиш, изларга путур етказмаган ҳолда, муҳим жойларни айрим-айрим ҳолда расмга олишни кўрсатади.

Кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳодиса содир бўлган жойни чизма шаклини чизиб, унда у ердаги буюм, анжом, турли изларни бир-бирларига нисбатан қандай жойлашганликлари кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Кейинчалик бу чизма шакл баённомани сифатли тузишни, олдинма-кетинлик тамойилини таъминлашга ёрдам беради.

***Гувоҳларни аниқлашга қаратилган ишлар:***

Гувоҳларни аниқлаш ишларини асосан терговчининг топшириғи билан милиция ходимлари амалга оширадилар. Гувоҳларни аниқлашда улар ўзларининг тезкор-махфий имкониятларидан фойдаланадилар. Бу ишни бирмунча осон бўлиши учун терговчи уларга айнан қайси ва қандай гувоҳларни аниқлаш лозимлигини кўрсатиши керак.

Гувоҳ қаторида сўроқ қилиниши мумкин бўлган фуқаролар тўғрисидаги қимматли маълумотларни участка нозири бериши мумкин. Чунки у шу атрофда яшайдиган фуқароларнинг юриш-туриши, нима билан шуғулланиши, кимлар билан қандай алоқада бўлиши мумкинлигини яхши билади. Қатор ҳолатларда гувоҳлар воқеа жойида бўлган шахслар билан суҳбат пайтида ҳам аниқлаб олиниши мумкин. Ўзларининг ишлари, хизматлари юзасидан ҳодиса жойи яқинида бўлиши мумкин бўлган дўкончилар, соқчилар, кўчаларни супириб юрувчилар ва бошқа фуқаролар сўроқ пайтида керакли маълумотлар беришлари мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойдан маълум бир масофада бўлган гувоҳлар тўғрисида ҳам унутмаслик керак. Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойдан ўзлари кетаётган - узоқлашаётган гувоҳларни ҳам аниқлаш керак. (Чўпон, хат ташувчи, шофёр)

Агар ҳодиса бирор корхона, муассаса ҳудудида содир бўлган тақдирда, шу корхона ёки жамоат ташкилотини раҳбарига ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин. Албатта бу шахслар шу ҳодисага алоқадор бўлган-бўлмаганлиги масалаларига эътибор бериши лозим. Акс ҳолда бу шахсларга гувоҳларни аниқлашда ёрдам сўраб мурожаат қилиш тўғри келмайди.

Қўлланилган тадбирлар натижасида керакли гувоҳлар аниқланмаган тақдирда, ҳовли-жойларни, хоналарни айланиб чиқиб, уй эгалари билан ҳодисага доир мавзуларда қисқача суҳбатлашиш йўли билан ҳам тегишли гувоҳларни аниқлаш масаласига эътибор берилиши лозим.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида излар аниқланган тақдирда, тегишли бир гуруҳ ходимлар ташкил қилиниб, шу излар кетган томонга юбориш лозим бўлади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳодиса жойидан маълум томонга кетган изларни йўналиш бўйича текшириб бориш яхши ижобий натижаларни бериб, жиноятчини ушлаш ёки жиноятнинг гувоҳи бўлган шахсларни аниқлашга ёрдам берган.

Ишнинг ҳолатига қараб, изларни йўналиши бўйича терговчини шахсан ўзи бориши ёки тадбирларни бир гуруҳ милиция ходимларига топшириши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ким бу тадбирларни ўтказишидан қатъий назар холисларнинг иштирок этиши талаб қилинади. Чунки бундай текшириш жараёнида далилий аҳамиятга эга бўлган излар, буюмлар ва нарсалар аниқланиши ҳамда олиниши мумкин. Бу тадбирнинг натижалари ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасига ёзилади.

***Айрим объектларни навбатма-навбат кўздан кечириш, хоналарни кўздан кечириш.***

Хоналарни кўздан кечириш алоҳида эҳтиёткорликни талаб қилади. Чунки кичкинагина бир хонада аҳамиятга эга бўлган кўпгина излар бўлиши мумкин. Бу изларни ташқи муҳит таъсиридан асраш қийин бўлади. Ҳеч ўйланмаган ерда кўздан кечириш иштирокчиларидан бири бу хонадаги мавжуд изларга путур етказиши мумкин. Хонани маълум бир тартиб асосида кўздан кечиришни амалга ошириш учун, хонага киришдан бошлаш керак. Яъни кириш эшигини аҳволи, ундаги бўлган бирор-бир емирилиш, синиш, бутунлигига бошқа тарзда путур етиши қаби аломатлар, излар кўздан кечирилади. Хонанинг ўзи ва ичкарисида мавжуд нарсалар соат стрелкаси бўйлаб ёки соат стрелкасига қарама-қарши йўналишда кўздан кечирилиб, сўнгра хонанинг марказий қисми кўздан кечирилади. Шунингдек, зинапоялар, эшик олди, ҳовли ҳамда дарвоза олди жойларини ҳам кўздан кечириш лозим.

Айрим ҳолларда атроф-муҳитдаги сув устини кўздан кечириш зарурати туғилади. Масалан, сув устида бирор-бир аҳамиятга эга бўлган буюмни қалқиб юриши, мурда, уни бирор бўлаклари ёки бошқа нарсалар бўлиши мумкин. Сув устида кўзга ташланган буюмлар чўкиб кетиши ёки сув оқими бўйлаб кетиши мумкин бўлганлиги сабабли, бу нарсаларни кўздан кечиришни кечиктирмаслик керак.

**М. ЖЎРАЕВ,**
**Республика прокуратураси ташкилий услубий бўлим катта прокурори, 1-даражали юрист.**

# ҚАМОҚХОНАДА ҚУЛАЙЛИК КЕРАКМИ?

Шу кунларда Рустави шаҳри яқинида 1200 маҳбусга мўлжалланган қамоқхона қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Қамоқхона сўзини эшитишимиз билан қоронғу ва темир панжарали ойна, эшиклар кўз олдимизда намоён бўлади. Бироқ, Грузияда шу йил май ойида қуриб битказилиши кутилаётган бу бандигоҳнинг афзаллиги шундаки, у халқаро жаҳон талаблари даражасига жавоб бера олиши билан собиқ иттифоқ ҳудудида ягона ҳисобланади. Камералар 2-3 кишига мўлжалланган бўлиб, анчагина қулайликлар билан жиҳозланмоқда.

Грузия қамоқхоналар департаменти бошлиғи Гиви Кварелашвилининг айтишича, бу ерда асосан ҳали айби тўла исбот қилинмаган ва майда безорилик учун қамалганлар сақланади.

Грузиядаги бошқа қамоқхоналарни ҳам қайта таъмирдан ўтказиш, маҳбуслар шарт-шароитларини қонуний тартибда қайта кўриб чиқиш лозим, - деб таъкидлайди у. Орамизда вой-во... жиноятчиларга ҳам шунча қулайликлар яратиладими? Нима зарур?-дейдиганлар ҳам топилади.

- Тўғри, жиноятчилар қилган айблари учун қамалади, Яъни, озодликдан маҳрум қилинади, лекин яшашдан эмас. Яшашга ҳақли ҳар бир кишининг эса, маълум даражадаги ҳуқуқлари қамоқхоналарда ҳам сақлаб қолиниши керак. Шундай эмасми? Биз одатда қамоқхоналарга «бу дунё дўзахи» сифатида қарашга ўрганиб қолганмиз. Ҳақиқатда эса, у фақатгина жазо ўташ жойи бўлибгина қолмасдан, балки қайта тарбиялаш маскани даражасида бўлиши зарур. Бу ўринда қамоқхоналардаги шарт-шароитнинг таъсири жуда катта. Яъни, қамоқхона ходимларидан бу мақсадда жуда катта масъулият талаб қилинади. Фақат масъулият эмас, маблағ, билим, истеъдод ва талабчанлик, ҳам талаб қилинади. Тўғри, маблағ масаласида муаммолар бўлиши турган гап. Лекин собиқ жиноятчиларнинг жамият ичига қайтганидан кейин келтирадиган зарарини ҳисобга олганда, бу маблағ бекорга эмаслиги аён бўлади.

Масаланинг бу тарафига ойдинлик киритар эканмиз, Гиви Кварелашвилининг маҳбуслар манфаатларини кўзлаб қилаётган барча ҳаракатларини, «ҳуқуқий меъёр ҳар қандай шароитда ҳам назорат қилиб турилиши ва сақлаб қолиниши муқаррар»-деган нуқтаи назардан баҳоласак бўлади. Жиноят содир қилиниши ва жиноятчиликни чуқурроқ ўрганиб чиқар эканмиз, унинг туб илдизлари, асосан қамоқхоналарга ёки қамалиб чиққан маҳбусларга бориб тақалади. Ҳар қандай касални даволашдан олдин табиблар унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб чиқишади ва шундан кейингина уни даволаш йўлларини ишлаб чиқадилар. Биз келтириб ўтаётган мулоҳазалар ҳам, айнан шунга тааллуқли. Қамоқхоналарда тартиб-интизом, назорат ва шарт-шароитлар яратилмас экан, жиноятчиликнинг олдини олиш қийин. Бу масалага енгил-елпи қараш ноўрин. Негаки - «нима, энди жиноятчиларга қилган айблари учун «курорт» яратиб бериш керакми?»-дейдиганлар топилиши шубҳасиз.

- Йўқ биз бу фикрдан йироқмиз. Гап уларнинг тушунчасини, фикр доирасини, инсоний фазилатларини тиклаш, қайта тарбиялаш ҳақида кетаяпти. Қолаверса, унинг эртанги кунги жамиятга таъсири ҳақида. Бу мақсадни эса, юқорида айтиб ўтилган «шароит»ларсиз амалга ошириш қийин. Келинг, шу мулоҳазалар тўғрисида чуқурроқ ўйлаб кўрамиз!

**Д. КАРИМОВА,**
«Ишонч» мухбири.

